



"THE CONCEPT AND CHARACTERISTICS OF DAMAGE CAUSED BY STATE AUTHORITIES AND THEIR OFFICIALS"

Yakhshiboev Sardorbek Panjiyevich

Listener of the Civil Law direction at the Supreme School of Judges under the Supreme Council of Judges of the Republic of Uzbekistan, independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15023016>

ARTICLE INFO

Received: 08th March 2025

Accepted: 13th March 2025

Online: 14th March 2025

KEYWORDS

State authorities, officials, concept of damage, delict, compensation for damage.

ABSTRACT

This article analyzes the concept of damage caused by the unlawful actions (or inaction) of government bodies and their officials, its legal foundations and characteristics, and highlights the necessity of developing and improving regulatory legal acts governing these relations.

"ПОНЯТИЕ И ОСОБЕННОСТИ УЩЕРБА, ПРИЧИНЕННОГО ГОСУДАРСТВЕННЫМИ ОРГАНАМИ И ИХ ДОЛЖНОСТНЫМИ ЛИЦАМИ"

Яхшибоев Сардорбек Панжиевич

Слушатель направления гражданского права в Высшей школе судей при Высшем совете судей Республики Узбекистан, независимый исследователь

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15023016>

ARTICLE INFO

Received: 08th March 2025

Accepted: 13th March 2025

Online: 14th March 2025

KEYWORDS

Государственные органы, должностные лица, понятие ущерба, деликт, возмещение ущерба.

ABSTRACT

В данной статье анализируются понятие ущерба, причиненного незаконными действиями (бездействием) государственных органов и их должностных лиц, его правовые основы и особенности, а также указывается на необходимость развития и совершенствования нормативно-правовых актов, регулирующих данные отношения.

"ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР ТУШУНЧАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ"

Яхшибоев Сардорбек Панжиевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Фуқаролик ҳуқуқи йўналиши тингловчиси, мустақил изоанувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15023016>

ARTICLE INFO

Received: 08th March 2025

Accepted: 13th March 2025

Online: 14th March 2025

KEYWORDS

Ушбу мақолада давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарни



Давлат органлари, мансабдор шахслар, зарар тушунчаси, деликт, зарарни қоплаш.

тушунчаси, унинг ҳуқуқий асослари ва хусусиятлари таҳлил қилинган, мазкур муносабатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ривожлантирилиши ва такомиллаштирилиши зарурати кўрсатилган.

Давлат бошқаруви соҳасида Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни белгиланган муддатларда ва ваколат доирасида амалга ошириши, фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришва амалиётга тадбиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу мақсадда давлат бошқаруви соҳасида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш, белгиланган муддатларда ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар орқали фуқароларнинг ҳуқуқларини бузилишини, шу билан бирга зарар етказилишини олдини олиш лозим.

Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида ҳам белгиланиб, бошқа қонун ва қонун ости ҳужжатлари учун асос бўлиб ҳизмат қилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасининг 5 қисмида “Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга”¹ деб белгиланиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ҳамда, уларга етказилган зарарни қоплаш тартиботини белгилашни назарда тутди. Давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қонун доирасида фаолият юритиши ва ўз вазифаларини оғишмай бажариши ҳам мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Зеро, давлатнинг ўз функцияларини аниқ ва ўз вақтида бажариши давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонуний ҳамда самарали иш юритуви билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарар учун жавобгарлик умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 15, 990, 991-моддалари асосида белгиланмоқда. Лекин, давлат органи ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар ўртасидаги жавобгарлик масаласи аниқ кўрсатилмаганлиги натижасида амалиётда ушбу нормани қўллаш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Бу эса фуқаролик ишлари бўйича умумий юрисдикция судлари, иқтисодий судлар ёки

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т: “Ўзбекистон” нашриёти, 2023 - 34 б.



маъмурий судлар судялари учун етказилган зарарни қоплаш учун жавобгарликни белгилашда ноаниқлик ва қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

Ушбу муаммоларни ечиш учун қонунчиликдаги норматив-ҳуқуқий базанинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, уларни такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш ҳамда ўз хизмат вазифа ва функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ жавобгарликни белгиланиши қонунларнинг амалиётда самарадорлигини оширишга, фуқаро ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олишга хизмат қилиб, давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳатларнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш давомида жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Бундай муносабатлар турли ҳуқуқ соҳаларида юзага келиши мумкин. Масалан, фуқаролик, молиявий, жиноий ҳуқуқий соҳаларида кузатиш мумкин.

Юқоридаги ҳуқуқий муносабатлардан ташқари давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизмати муносабатларини киритиш мумкин. Ушбу муносабатлар доирасида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариш натижасида жисмоний ва юридик шахсларга зарар етказиш ҳоллари кўплаб учраб туради.

Мазкур масала асосан маъмурий ҳуқуқий муносабатлар доирасига кирсада, унга оид тушунчалар ва назарий асосларни таҳлил этишда фуқаролик ҳуқуқий муносабатга оид тушунчаларга мурожаат қилишимизга тўғри келади.

Кишиларнинг бир-бири билан доимий равишда ўзаро муносабатларида баъзан уларнинг моддий ёки номоддий манфаатларига зарар етиш оқибатлари келиб чиқади. Бу зарарлар турли тасодифлар, эҳтиётсизлик, қасд орқали, табиий офатлар натижасида юзага келади².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддаси 2-қисмида зарар тушунчасига таъриф бериб ўтилган бўлиб, унга кўра, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Юқоридаги таърифдан кўриш мумкинки, зарарни икки ҳил ҳолатда талқин қилиш мумкин:

²Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм./Х.Раҳмонқулов ва И.Зокировларнинг ум. тахр. остида.-Т.:Адолат.1999. - 335 б.



Биринчидан, ҳақиқий зарар, яъни, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиниши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши тушунилади;

Иккинчидан, бой берилган фойда, яъни, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари тушунилади.

Юқоридагиларга асосланиб, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни икки ҳил ҳолатда юзага келишини таъкидлаш лозим:

Биринчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида;

Иккинчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф ҳужжат чиқариши натижасида.

Икки ҳолатда ҳам зарар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳокимият ваколатларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатлари оқибатида юзага келади. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари кўпинча маъмурий ҳуқуқий муносабат доирасида юзага келади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва улар томонидан қонунга ҳилоф ҳужжат чиқариш натижасида етказилган зарар шартномадан ташқари ёки деликт оқибатида етказилган зарар ҳисобланади. Ушбу ҳолатда зарар давлат органи ва уларнинг мансабдор шахси билан жабрланувчи билан олдиндан келишиб олмаган ҳолатда юзага келади ва бунда жабрланувчининг бузилган субъектив ҳуқуқи, кўрган ҳақиқий зарари билан боғлиқ юридик факт деликт жавобгарликнинг асоси ҳисобланади. Деликт жавобгарликнинг шарти қонунда белгиланган талаб бўлиб, жавобгарликка тортиш ва муайян санкция қўллаш учун асос ҳисобланади. Ҳар қандай ҳуқуқий жавобгарлик айбнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Лекин, фуқаролик ҳуқуқида айб мавжуд бўлмасида, зарарни тўлаш мажбурияти юкланади. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва улар томонидан қонунга ҳилоф ҳужжат чиқаришга оид ҳаракатларида доим айбнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ю.К.Толстой зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятларни деликт мажбуриятлар деб номланиши ҳар доим ҳам мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, бу турдаги мажбуриятлар ҳамма вақт ҳам ҳуқуқбузарлик натижасида вужудга келмайди. Шу муносабат билан мажбуриятларнинг мазкур тури, ҳуқуқий адабиётларда, баъзан – зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятлар деб номланса, баъзан – етказилган зарарни қоплаш бўйича мажбуриятлар деб юритилади. Биринчи ҳолатда мажбурият қандай асосларга кўра вужудга келадиганлигига урғу берилса, иккинчи ҳолатда эса унинг вазифасига кўра тайинланиш мақсадига эътибор қаратилади. Бироқ бу иккала номланишда ҳам битта мажбурият, яъни зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ҳақида гап боради³.

³Гражданское право. Часть II. //Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К. Толстого.-М.:Прспект.2001.-695 с.



Ҳ.Раҳмонкуловнинг фикрича, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар ўзига хос хусусиятларга эга. Кўпчилик ҳолларда мажбуриятларни юклаш ҳуқуқи ўзида императив ва диспозитив нормаларни ифодалайди. Диспозитив нормалар фуқаролик-ҳуқуқий муносабат томонларига ўз хулқ-атворлари чегараларини диспозитив нормада ёзилганидан бошқача тарзда аниқлаш имконини беради. Ундан фарқ қилган ҳолда ҳуқуққа зид тарзда етказилган зарарни қоплаш беистисно императив нормалардан иборатдир. Ушбу нормаларнинг амал қилиши томонларнинг келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас⁴.

Россиялик ҳуқуқшунос С.М.Корнеев фикрича эса зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятлар бу тўғридан-тўғри жавобгарлик чораси сифатида кўрилади, чунки, зарар билан бир пайтда уни қоплаш мажбурияти, яъни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси бўлган – зарарни қоплаш вужудга келади. Шунинг учун анъанага кўра бундай жавобгарлик - деликт жавобгарлиги, бу жавобгарликка асос бўлган мажбурият эса – деликт мажбурият, деб юритилади⁵.

Айнан шундай фикрни Г.К.Матвеев ҳам билдириб, зарар етказишдан вужудга келадиган мажбуриятлар, яъни зарарни қоплаш мажбурияти жавобгарлик чораси ҳисобланишини таъкидлайди⁶.

Фикримизча юқоридаги иккала қараш ҳам ўзига хос мантиқий асосга эга. Бироқ фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларни, жавобгарлик чораси сифатида эмас алоҳида мажбурият сифатида талқин этаётган муаллифларнинг фикрлари, зарар етказиш юридик факт сифатида уни қоплаш мажбуриятини вужудга келтириши, зарар ҳар доим ҳам жавобгарликнинг асоси ҳисобланган ҳуқуққа хилоф ҳаракат натижасида етказилмаслиги нуқтаи назаридан тўғрироқдир.

Юқоридагиларга асосланиб, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд деб ҳисоблаш мумкин:

Биринчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва улар томонидан қонунга ҳилоф ҳужжат чиқариш натижасида етказилган зарар шартномадан ташқари ёки деликт оқибатида етказилган зарар ҳисобланади.

Иккинчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар одатда давлат хизмати даврида етказилади.

Учинчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари ва улар томонидан қонунга ҳилоф ҳужжат чиқаришга оид ҳаракатларида доим айбнинг бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Фуқаролик кодексига давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида

⁴Раҳмонкулов Ҳ. Зарар етказиш оқибатида келиб чиқувчи мажбуриятлар ҳақида умумий тушунча.//Хўжалик ва ҳуқуқ.1998.№1.-Б.20.

⁵ Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/Отв.ред.Е.А.Суханов.-М.БЕК.2002.-363-364 с.

⁶ Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.-М.:Юрид.лит.2003.-17 с.



фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарар суднинг қарори билан давлат томонидан қопланиши ёки мансабдор шахснинг айби билан етказилган бўлса, шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкинлиги тўғрисидаги нормалар умумий бўлиб, айнан қандай ҳолатлар ва асослар бўйича суд қарор чиқариши кераклиги масаласини ёритиб бермайди. Шу асосда, қонунчиликда давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга зарар етказилганда, қандай ҳолатларда ва қачон давлатга зарарни қоплаш мажбурияти юкланиши ва аксинча, қандай ҳолатларда ва қачон мансабдор шахс зиммасига зарарни қоплаш мажбурияти юкланишини белгиловчи қонун ҳужжати қабул қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Негаки, ғайриқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этишда ҳам, қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилишида ҳам мансабдор шахсларнинг маълум айби бўлиши, хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлиши мумкин. Бунда, қонунчиликда зарарни қоплаш мажбурияти юкланаётганда, давлат органи мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этаётганда, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқариш вақтида ўз ваколатлари доирасидаги ҳаракат қилганлик ёки қилмаганлик ҳолатлари ва ўз хизмат вазифаларини бажараётганлик ёки бажармаётганлик ҳолатларини муҳим шарт сифатида киритишни таклиф қилган бўлардик. Бу ўз навбатида мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқаришини олдини олишга ва маълум маъсулият юклаб, уларнинг жавобгарлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Юқоридагиларга асослаб, мамлакатимизда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларга етказилган зарарни ундиришга қонунчилик базаси шакллантирилган бўлсада, соҳа қонунчилиги олдида айрим камчиликлар мавжуд:

Биринчидан, етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ маъмурий тартиб таомиллар мукамал эмас.

Иккинчидан, амалдаги қонунчиликда давлат органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин деб кўрсатиб ўтилган. Лекин, қайси ҳолатларда мансабдор шахс зиммасига, қайси ҳолатларда давлат органи зиммасига юкланиши яхши очиб берилмаган.

Учинчидан, амалдаги қонунчиликда давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқаролар ёки юридик шахсларга етказилган зарар қоплаб берилиши кўрсатиб ўтилган бўлсада, қандай ҳолатлар қонунга хилоф ҳаракат ҳисобланиши акс этмаган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки, давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ қонунчилик асоси ишлаб чиқилган бўлсада, лекин етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар, зарарни ундириш қайси ҳолатларда мансабдор шахс зиммасига, қайси ҳолатларда



давлат органи зиммасига юкланиши ва қандай ҳолатлар қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳисобланишига доир муносабатлар ривожланишни тақозо этмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т: "Ўзбекистон" нашриёти, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.:Адолат миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2024.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм./Х.Раҳмонқулов ва И.Зокировларнинг ум. таҳр. остида.-Т.:Адолат.1999.
4. Гражданское право. Часть II. //Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К. Толстого.- М.:Проспект.2001.
5. Раҳмонқулов Х. Зарар етказиш оқибатида келиб чиқувчи мажбуриятлар ҳақида умумий тушунча.//Хўжалик ва ҳуқуқ.1998.№1.
6. Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: Учебник/Отв.ред.Е.А.Суханов.- М.БЕК.2002.
7. Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности.- М.:Юрид.лит.2003.